

РФ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: ҳалол маҳсулот - экспортнинг устувор йўналишларидан бири



15:00 / 23.02.2019 1998

Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Сергей Левиннинг таъкидлашича, шаръан ҳалол бўлган маҳсулотлар Россия қишлоқ хўжалиги экспорти салоҳиятининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда вазир ўринбосари «Интерфакс»га берган интервьюсида маълум қилган.

Унинг айтишича, ҳалол маҳсулотларини ривожлантириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигида махсус бошқарма ташкил этилган. Ҳалол маҳсулот бугун дунёда озиқ-овқат истеъмолининг энг тез ривожланаётган қисми ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу йўналиш устувор мақсадли бозоримиз бўлади, дейди вазир ўринбосари. Маълум бўлишича, Россияда ҳалол маҳсулотни ривожлантириш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Россия Экспорт маркази ҳамда Росаккредитация билан ҳамкорликда алоҳида дастур бўйича иш амалга оширилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти